

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил февраль ойининг “20” куни, жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференц алоқа режимида, туман суди раиси Д.Дадаханованинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Орзиевнинг котиблигида, томонлардан Бектемир туман прокурори катта ёрдамчиси Ш.Йўлчиева, судланувчи Ш.Турсунов ва унинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси - “M SHAROPOV HIMOYASI” адвокатлик фирмаси адвокати М.Шаропов, жабрланувчи А.Бўроновнинг иштирокида

Турсунов Шохжаҳон Ғайратжон ўғли (Tursunov Shohjahon G'ayratjon o'g'li) - 2002 йил 22 ноябрда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, “LOFT MEBEL” ХКда ишчи, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Х.Олимжон м.ф.й, Янгиҳаёт кўчаси, 12-уйда истиқомат қилувчи, “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланганга оид 1-1010-2401/63-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тергов органи томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, Ш.Турсунов 2023 йилнинг 06 ноябрь куни Бектемир туманида жойлашган «Кўйлик улгуржи бозори» АЖ ҳудудида Бўронов Акбар Қурбонназар ўғли билан учрашиб, унинг телефон аппаратини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни мақсадида А.Қ.Бўроновдан ўзига тегишли бўлган «Хонор-50» русумли телефон аппаратини танишига қўнғироқ қилиб олишлик учун олиб, А.Қ.Бўронов унга ишониб ўзига тегишли бўлган телефон аппаратини берганидан сўнг, гўёки ўзини танишига қўнғироқ қилган каби кўрсатиб, А.Қ.Бўронов ўз ишлари билан банд бўлиб унга эътибор қилмай турганлигидан фойдаланиб, А.Қ.Бўронов томонидан фойдаланиб туриши учун ишониб топширилган телефон аппаратини қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ш.Турсунов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланган.



Судланувчи Ш.Турсунов суд мажлисида ўзи содир қилган жиноий ҳаракатига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишини оқибатларини англаганлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги ва жабрланувчи А.Бўронов билан бирон бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги, улар ўрталарида тузилган ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи А.Бўронов суд мажлисида судланувчи Ш.Турсуновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, унга етказилган зарар тўлиқ қоплангани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, Ш.Турсунов билан ўзаро ярашганликларини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи А.Бўронов ва судланувчи Ш.Турсуновнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Бектемир туман прокурори ёрдамчиси Ш.Йўлчиева ва адвокат М.Шароповнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Ш.Турсуновнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув жабрланувчи ва судланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Ш.Турсуновга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи А.Бўроновга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан айбланган **Турсунов Шоҳжаҳон Ғайратжон ўғли** (Tursunov Shohjahon G'ayratjon o'g'li)га нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи А.Бўроновга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ш.Турсуновга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Д.Дадаханова

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья:

